O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 27-sentabr, chorshanba, 39 (369)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

СИЗГА ТАЪЗИМ, СИЗГА ЭҲТИРОМ

Устоз ва мураббийликдек шарафли касбни сидқидилдан адо этиб келаётган заҳматкаш, фидойи инсонлар орасида янгийўллик ўқитувчилар ҳам бор.

— Ёш авлодга таълим-тарбия бериб, уларни она-Ватанимизга меҳру-муҳаббат руҳида тарбиялашдек масъулиятли ишга бош қўшаётганимиздан бахтиёрмиз, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Санобар Зияева. — Юртбошимизнинг алоҳида эътибори боис таълимдаги ислоҳотлар тобора кенг қулоч ёймоқда. Ўқитувчилар, устоз ва мураббийлар меҳнати қадрланиб, уларга беқиёс иззат-икром кўрсатилмоқда. Мактабдаги шарт-шароитларни яхшилашга, таълим-тарбия ишларини жаҳон андозалари талаблари даражасига етказишга бўлган бундай ғамхўрлик ва эътибор узоқ ўтмишни қўйинг, ҳатто, яқин тарихимизда ҳам бўлмаган. Бугунги мактаблар чинакамига мустақиллик кошоналарига айланиб бормоқда, десам муболаға бўлмайди. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти эвазига барпо этилаётган бундай илм даргоҳларида бахтиёр ўғил-қизларимиз камол топиб, тарбияланмоқда. Улар бизнинг орзу-умидимиз, эртанги кунимизнинг муносиб ворислари эканлигини ўйласак, фарзандларимизнинг биздан кўра билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари учун мустаҳкам замин, шарт-шароит яратилаётганидан қувонамиз. Бу саъй-ҳаракатларда жамоамизнинг ҳам ҳиссаси борлиги дилларимизни чароғон айлайди...

Дарҳақиқат, ўз сафига 1860 нафар устоз ва мураббийни бирлаштирган Янгийўл туман халқ таълими бўлими жамоаси бугун таълим сифатини оширишга, ўқувчи ёшларнинг билим эгаллашга бўлган қизиқишларини кучайтиришга, ҳар бир машғулот ва дарсларнинг ўзига хос тарзда ўтказилишига эришишга бор куч-имкониятларини бахшида айлаяпти. Ўқитувчилардаги билим ва маҳорат, бой амалий тажриба ҳар бир ўқувчининг иқтидор ва салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. 26-мактабнинг тарих ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Улуғбек Мустафоқулов, 31-мактабнинг тарих ўқитувчиси Абдували Дархонов, 35-мактабнинг биология ўқитувчиси Гулчеҳра Ашурова, 14-мактабнинг математика ўқитувчиси Гулнора Қамбарова сингари фидойи касб эгалари билан жамоа бугун ҳақли равишда фахрланади. 20-35 йилдан буён ўз касбини севиб, ардоқлаб келаётган бундай мураббийларнинг меҳнати бугун қадр топмоқда. Жумладан, Гулнора Қамбарова ўтган ўқув йилида «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, Тошкент вилояти бўйича биринчиликни эгаллади.

Бугун янгийўлликлар 45-мактаб жамоасининг эришаётган ютуқларини ҳам алоҳида эътироф этишмоқда. Зеро, бу бежиз эмас. Мазкур илм масканига 40 йиллик иш тажрибасига эга бўлган моҳир педагог Маърифат Абдураҳимова 14 йилдан буён раҳбарлик қилиб келяпти. Эски Қовунчи қишлоғида жойлашган бу мактабда икки сменада 1370 нафар ўқувчи таълим олаяпти. Мактабда таълим-тарбия ишларининг давлат стандартлари талаблари даражасида пухта олиб борилаётганлиги боис ўқувчиларнинг ўзлаштиришида юқори кўрсаткич қайд этилмоқда. Ўқувчилар турли фанлар бўйича ўтказилаётган олимпиадаларда яхши натижаларни қўлга киритишяпти. Илм муассасасида бўлсангиз, ўқув-тарбия ишларига монанд теварак-атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга бўлган жиддий эътиборни кўриб қувонасиз.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»га мувофиқ ҳозиргача Янгийўлдаги 16 та мактаб тўла таъмирдан чиқарилиб, замонавий қиёфага эга бўлди. Узоқни ўйлаб, ёшлар камоли йўлида қилинаётган бу ишларнинг натижасини эндиликда кўпчилик дилдан ҳис этиб турибди. Замонавий мактабларда билим олаётган фарзандларининг иқболини кўриб, ота-оналар қалби қувончга тўлмоқда. Улар шу қутлуғ ишларнинг бошида турганларнинг ҳаққига дуолар айлашяпти. Ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам шундай шарт-шароит ва имкониятга эга бўлаётганларидан, ҳамма ҳавас қилгудек мактабларда ўқувчиларга таълим бераётганликларидан бениҳоя тўлқинланишмоқда.

Бунёдкорлик ишларининг кўлами етиб келган Саид ота қишлоғи ҳозир айниқса, ўзгача файзу-тароват касб этмоқда. Бу ерда янгидан тикланган 12-умумтаълим мактаби яқин кунларда фойдаланишга топширишга ҳозирланмоқда. Кенг ва ёруғ синфхоналар, қутубхона, спорт ва фаоллар зали ёшлар ихтиёрига берилади. 28 нафар ўқитувчи билан 325 нафар ўқувчи учун бундан ортиқ яна нима керак? Улардаги жиҳозларни айтмайсизми: ҳаммаси кўркам ва шинам.

Буларнинг ҳаммаси таълимни ривожлантириш йўлида туманда қилинаётган ишларнинг бир қисми, холос.

— Ўқитувчи деган шарафли касбни танлаганимдан бахтиёрман, — дейди Марям Жониқулова. — 22 йилдан буён ўқувчиларга немис тилидан сабоқ бериб келаяпман. Мен ишлаётган 22-мактабда айни пайтда 21 нафар ўқитувчи устама ҳақ олиб ишлаяпти. Яна директор жамғармасидан ҳам мукофот олиб турибмиз. Меҳнат қилган рағбат топади, деганлари шу-да.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

● Устоз — отангдек улуғ

БИР УМР ҚАЛБИМИЗДА

Устоз, ўқитувчи, тарбиячи. Бу уч сўз ҳар бир онгли инсоннинг ҳаётида асосий ўрин тутган зотларга оид.

Устоз инсонни шакллантиради, унинг дунёқараши, ҳаётий мавқеини белгилайди, чин инсоний фазилатларни касб этмоғига асос бўлади.

Мен 1949 йил университетда шарқ факультетининг бешинчи курс талабаси эдим. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институтида ўқув-ишлаб чиқариш тажрибасини ўтмоқдамиз. Бир куни мени институт директори академик Воҳид Зоҳидов чақираётганини айтдилар. Мен тортиниброқ директор кабинетига кириб келдим. Муҳтарам директор мени очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. Саломлашгач, институтга кичик илмий ходим лавозимида ишга кирмоқни таклиф қилдилар.

— Мен ҳали ўқишни тугатган эмасман. Талабаман. Қандай бўлар экан, — дедим.

— Зарари йўқ, — дедилар у киши. — Ҳадемай битирасиз. Ҳозирча иккаласини баравар олиб борасиз.

Шу билан мен институт илмий ходими бўлдим. Академик Воҳид Зоҳидов менга ўзлари илмий раҳбар бўлдилар. У кишининг раҳбарликлари остида 1954 йил номзодлик, 1961 йили докторлик диссертацияси ёқладим, шарқ қўлёзмалари бўйича, ўзбек адабиёти тарихи бўйича мутахассис бўлиб етишдим. Устоз нафақат илм чўққиларини эгаллашда, балки ҳаётий ўринни белгилашда, элу юрт, халқ учун хизмат қилишда, тўғрилик ва ҳақиқат курашчиси сифатида ҳам бизга ибрат ва намуна эдилар. Бу зот 1983 йили оламдан ўтганлар. Муҳтарам устознинг ётган жойи нурга тўлсин.

Мен 1932 йили Қўқондаги 3-ўрта мактабнинг биринчи синфига ўқишга кирганимда қўлимга қалам бериб, ўқиш-ёзишни ўргатган ўқитувчим Ҳамзахон Аббосовни ҳам ҳурмат билан ёдлайман. Бу қадрли муаллим Иккинчи жаҳон уруши фронтида ҳалок бўлганлар.

Ҳозирги XXI аср ёш авлоди мустақил Ўзбекистоннинг эркин ва бахтиёр ҳаёти шароитида яшайди, ўқиб таълим олади, ўз севикли ўлкасининг истиқболини қуради. Бу авлодни устозлар, ўқитувчилар шакллантирадилар. Уларнинг заҳмати барчамизга аён. Ёш авлодни ўстираётган устозлар, ўқитувчилар, тарбиячиларни шунинг учун ҳам қадрлаймиз. Ўзбекистон халқ шоири Чархий домла муаллимларни шарафлаб: "Кўзимга тупроғингиз тўтиё, муаллимлар!" деб ёзган эдилар. Бу мисрада меҳрибон ва ғамхўр устозларимизга қаратилган ҳар биримизнинг қалбимиз садоси янграйди.

Азиз ҚАЮМОВ,
академик, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номли Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Бухоро вилояти Вобкент туман кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказди.

* * *

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўприк туман кенгаши ташаббуси билан ишбилармон хотин-қизларни кредит билан таъминлаш мақсадида «Ишбилармонлик — даёр талаби» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилояти Сайхунобод туман кенгаши ташаббуси билан «Миллий тикланиш — юксалиш демакдир» мавзуида йиғилиш ўтказилди.

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилояти Сариосиё туман кенгаши ташаббуси билан «Миллат соғлиги — юрт бойлиги» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Хоразм вилояти Янгибозор туман кенгаши ташаббуси билан «Мен истиқлол фарзандиман» мавзуида тадбир уюштирилди.

* * *

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туман кенгаши халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда 22-сонли мактабда «Шу азиз Ватан барчамизники» мавзуида тадбир ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилояти Оқолтин туман кенгаши ташаббуси билан «Аждодлар мероси — маънавиятимиз хазинаси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Самарқанд вилоят кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали билан ҳамкорликда «Сиёсий партияларнинг «Ёшлар қаноти» фаолияти» мавзуида давра суҳбати уюштирди.

* * *

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташаббуси билан Нукус давлат университетида «Устоз отангдек улуғ» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Бухоро вилояти Пешку туман кенгаши ташаббуси билан «Миллий қадриятлар тикланиши — тараққиёт шарти» мавзуида уч авлод учрашуви бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Самарқанд вилояти Оқдарё туман кенгаши ташаббускорлигида «Устоз — отангдек улуғ» мавзуида тадбир ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

● Фракция йиғилишида

ҚОНУНЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Душанба куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилишида бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Жумладан, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Матлуба Махаметова Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига ҳам муҳим ўзгартиш киритилаётганини қайд этди.

Йиғилишда Оила кодексига киритилаётган ўзгартишдан кўзланган мақсад никоҳланувчи шахслардан бири таносил ёки ОИВ касалликлари билан хасталаниши ва буни яшириши нафақат ўзининг, балки умр йўлдошининг ҳам ҳаётига зомин бўлиши, шу билан бирга, маънавий-моддий жиҳатдан оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтиришдан иборат эканлиги таъкидланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-II-сонли Қарорига 1-иловага қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси мазмун-моҳияти ҳақида Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Вафоев сўзга чиқди. Маълум қилинишича, ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчилар учун ягона талабларни белгилайди, бундан кўзланган мақсад эса истеъмолчилар учун хавфни кам даражада келтиришдан иборатдир.

Фракция йиғилишида, шунингдек, ялпи мажлисга киритилаётган «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги (иккинчи ўқиш), «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги (учинчи ўқиш), «Молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (иккинчи ўқиш) ҳамда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида»ги (иккинчи ўқиш) қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда матбуот орқали чиқишларни жонлантириш, ташаббускорликни ошириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, партия фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

● Сўз — партия етакчиларига

АЪЗОЛАР МАДАДИ — КАТТА ИМКОНИЯТ

Зиёлилар ҳамма даврларда ҳам миллатнинг фахри бўлиб келган. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил топганидан буён партиядошларимиз ана шу номга муносиб иш кўришмоқда. Партиямиз сафларида турли соҳа кишилари бор. Бу ҳам имкониятларимизга қанот бўлади, албатта.

Туманимиздаги партия фаоллари билан келишган ҳолда ёш авлоднинг маънавий баркамоллигини кўзлаб турли хил тадбирлар уюштирмоқдамиз. Жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда «Миллий тикланиш — миллий юксалиш» мавзуида кўрик-танлов уюштирдик. Уни ўтказиш жараёнида ўқувчи ёшларимизнинг миллий қадриятларимизга меҳри баландлиги, урф-одатларимизни яхши билиши, билмаганларини ёши улуғлардан сўраб билишга интилишига гувоҳ бўлдик.

Туманимизда болалар спортини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Вақти-вақти билан спорт мусобақалари ўтказиш таклифи билан чиқамиз. Самарқанд тарихий аҳамиятга эга ҳудуд бўлгани учун ҳам туманимиз ёшлари ёрдами билан қадимий осори- атиқаларни тўплашга бел боғладик. Айни кунларда «Истиқлол — миллат ғурури» номли кўрик-танлов ўтказилмоқда. Йиғилган тарихий буюмларни музейга топширишни ният қилганмиз.

Туман кенгашимиз 7 та бошланғич партия ташкилотини ўз ичига олади. Ҳудудлараро мулоқот жараёнларини мустаҳкамлаш учун тез-тез учрашувлар, йиғилишлар ўтказиб турамиз. Сафларимизга янги таклифлар билан кираётган юртдошларимиз партиямизнинг аниқ мақсад ва вазифалари миллатнинг бахту саодати, юрт фаровонлиги учун хизмат қилишини яхши билишади. Улар билан суҳбатлашиш жараёнида буни дилдан ҳис қиламан.

Иш бор жойда камчилик бўлади. Муаммоларимиз ҳам бор, албатта. Бу партияга аъзолик бадалларини ўз вақтида йиғиб олинмаётганлигидир. Бу ҳам аста-секин изга тушиб кетади. Энг муҳими, жойлардаги маърифат масканлари билан алоқани мустаҳкамлашга интилмоқдамиз. Маҳалла маслаҳатчилари билан келишган ҳолда турли хил учрашув ва мулоқотлар ташкиллаштираяпмиз. Бу ҳар бир оила билан ишлашимизга йўл очиб беради. Йиғилишларимизда хотин-қизларимизнинг фаоллигидан суюнаман. Оилада суюкли бека, меҳрибон она бўлиб, жамият ишига ҳам фидойилик билан ёндошадиган аёлларимиз кўп. Фермерлик, тадбиркорлик ишини уддалаётган аёлларимизни кўриб, ҳавасим ортади. Давлатимиз раҳбарияти томонидан касаначиликка кенг йўл очилгач, уддабурон аёлларимизнинг саъй-ҳаркатлари билан кўпгина хотин-қизларимиз иш билан таъминланмоқда. Бундай яхши ишнинг бошида партиямиз аъзолари ҳам бор. Фермер аёлларимиздан Розия Маҳмудова 30 гектар ерда пахта етиштиришга бош-қош бўлиб, юртимиз «оқ олтин» хирмонининг юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бир сўз билан айтганда, аъзоларимиз ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида фаоллик билан ишламоқда, изланмоқда. Келгусида уларнинг мададига таяниб ўтказилаётган тадбирлар доирасини кенгайтиришни режалаштирганмиз.

Яхшигул ХИДИРОВА,
ЎзМТДП Самарқанд вилояти Нарпай туман кенгаши раиси.

● Замондошларимиз

КЎЗИДА ҚУЁШ КУЛГАН ОДАМ

Иссиқ шамол турди. Чангу ғубордан кўз очиб бўлмайди. Унинг хаёли Помуқ, Аланг, Зеварда, Ўртабулоқ, Муборак сингари газ конларида меҳнат қилаётган одамлар сари кетди: «Биз-ку, паналаб бўлса ҳам гармселга чап берамиз, лекин кон ишчилари нима қилаётган экан?..» Шундай ўйлар билан конларда бўлиб, ишчилар ҳолидан хабар олгиси келади. Бўлмаса кўнгли жойига тушмайди. Балким шу боис унинг элдошлари «бу одамнинг кўзида қуёш кулади, меҳри бор» дейишар.

* * *

Жумақул акани Қашқадарёда кўпчилик танийди, ҳурмат қилади. Бундан ўттиз йилча муқаддам кимсасиз чўл ўрнида бунёд этилган мўъжазгина Муборак шаҳрида қўлини кўксига қўйиб саломлашади. Чунки, у азалдан одамларга бефарқ эмас. Эсини танибдики, элдошларини ўйлайди, уларни деб яшайди. Муборак газ конлари бошқармасидаги касаба уюшма ташкилоти раҳбари сифатида кишилар тақдири учун масъул, деб ҳисоблайди ўзини. Ўндан ортиқ миллат ва элат вакилларидан ташкил топган 4 минг кишилик жамоа, ҳар бир оила, ҳар бир кишининг қувончу ташвишларини кўнглидан ўтказади. Буни атрофидагилар ҳам яхши билишади, ҳис этишади. Шунинг учун ҳам уни кўрганда лабларига табассум инади уларнинг.

* * *

Кўпчилик «Кундалик дафтар» ёзишни ёдидан чиқариб юборган бугунги кунда ҳам Жумақул ака буни канда қилгани йўқ. Беихтиёр ундаги қуйидаги битикларга кўзим тушади: «Бир кун бўлса ҳам бекор яшашдан қўрқаман», «Маънавий-тарихий илдизи бўлмаган миллат миллат саналмайди». «Чет элларда ҳам бўлганман: Ва аниқ айта оламанки, ҳеч қайси хорижий давлатда бизнинг мамлакатимиздагидек маънавиятга юксак эътибор билан қарамайдилар». «Тафаккур қалб уйининг соҳибидир».

* * *

— Шарофжон, — деди у бошқарма Маънавият тарғиботи маркази мутасаддисига мурожаат этаркан, — мустақиллик байрами олдидан ўтказиладиган тадбиримиз хусусида ўйлаб кўрдингизми? Бу хусусида корхона раҳбари билан фикрлашиб олдик. Сиз ҳам нимадир ўйланг! Ташаббус билан чиқинг!..

Жумақул ака пешонасига кўрсаткич бармоғини тираб, ниманидир эслагандек бўлади ва бизга юзланиб шундай дейди:

— Байрамга пухта тайёргарлик кўрмоқ керак. Токи, одамларимизнинг қон-қонига сингиб кетсин бу байрам. Бинобарин, Мустақиллик куни чин маънода, Ватан байрами. Уни ҳар бир киши англаши эса маънавиятимиз ғалабаси.

Эътибор беринг. Бундай гапларни оддий ишчи ё аксинча, бирор бир раҳбарнинг оғзидан эшитдик десак, ёлғон бўлар эди. Бу — зиёлиларга хос гап. У асарларида ҳам шундай ёзади. Шу тариқа фикрлайди.

Унинг ёзганлари баъзи бир ёзувчиларникидек, қуруқ тафсилотдан ё персонажлар диалогидан иборат эмас. Инсон омили, руҳий кечинмалари, тафаккури бўй кўрсатади уларда.

Илк ҳикояси — «Икки ўрим соч» 1975 йилда матбуотда чоп этилиб, адабий жамоатчилик назарига тушганида эндигина йигирма баҳорни қаршилаган эди. Бу илк муваффақиятдан руҳланган ёш ёзувчи бирин-кетин «Гавҳар», «Қоракўз», «Оқибат», «Вафодор», «Қасам» каби ўнлаб ҳикояларини эълон қилди. Унинг ҳикояларида тажриба ва маҳорати ошиб бораётган истеъдодли қаламкаш руҳияти яққол сезилиб туради. У қиссачилик жанрида ҳам муваффақиятли қалам тебратаётир. «Сени кўмсайман» лирик қиссаси улардан биридир. Шу боисми, унинг ижоди адабиёт дарғалари томонидан эътироф этилаётир: «Жумақул Қурбонов ўз ҳикояларини илҳом ва катта эҳтирос билан ёзади. Унинг ҳикояларидаги самимийлик, қаламга олинаётган воқеа ва ҳодисаларни, қаҳрамонлар руҳиятини чуқур ҳис этиши сезилиб туради, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов. — Шунинг учун ҳам Жумақул Қурбоновнинг ҳикояларида ўқувчи қалбини ларзага соладиган, катта маънавий озиқ берадиган жиҳатлар кўп».

«Устоз Абдулла Қодирий амалига асосан гоҳида мозийга ҳам мурожаат қиламан», — дейди Жумақул ака.

Дарҳақиқат, «Амир Темур туғилган жой ёки Занжирсарой қиссаси», «Абдулла ибн Муборак ал Марғозий», уч жилдли «Сардоба» асарлари шулар жумласидан... Дарвоқе, у киши «Туркистонда 1917-1974 йилларда миллий мустақиллик учун сиёсий кураш» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилган. Сиёсатшунослик фанлари номзоди.

* * *

— Хизмат вазифаси ҳамда уй-рўзғор ташвишларидан ортиб ижод учун қандай вақт топасиз? — дея сўрайман Жумақул Қурбоновдан.

— Хоҳиш, истак бўлса бас. Тўғри, баъзи пайтларда сал бўлса ҳам толиқишим мумкин. Аммо бадиий ижод билан шуғулланаётганимда ўзимни енгил сезаман. Бадиий ижод руҳни тозартиради, фикрни чархлайди. Маънавий қуввати бор киши ҳар қандай жисмоний юмушни енгади.

Жумақул Қурбоновнинг хайрихоҳлиги ва корхона ҳомийлигида вилоятдаги бир неча ўнлаб ижодкорларининг китоблари чоп этилган. Бу Жумақул аканинг аъмоли. Ва аъмолига ҳамиша собит яшаб келмоқда.

...Унинг уйида саҳарга қадар чироқ ўчмайди. Демак, янги асар ёзилаяпти. Тонг отди — асар ҳам тугади. Ўз ишидан мамнунлик акс этган юзу-кўзида жилмайиш зоҳир бўлди...

Илҳом КАРОМ.

● Партия ҳаёти

БОЛАЖОНЛАР ДАВРАСИДА

ЎзМТДП Тошкент вилоят Ангрен шаҳар кенгаши ташаббуси билан 34-интернатда «Миллий тикланиш — боқий партия» номли тадбир бўлиб ўтди.

Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва партиянинг Тошкент вилоят кенгаши ходимлари, бир гуруҳ партия фаоллари иштирок этишди. Тадбирни интернат раҳбари Абдуҳамид Қаюмов очди. ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси Акмал Рўзитоев, партия аъзоси Нэлля Аксёновалар йиғилганларга партия ҳаёти ҳақида сўзлаб беришди. Йиғилишда сўзга чиққан фаоллар сафдошларимиз томонидан жойларда ёшларни миллий қадриятларимизни эъзозлашга ўргатиш, миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритишди.

Болалар ҳам бадиий чиқишлари, қўшиқ ва рақслари билан меҳмонлар дилини хушнуд этишди. Тадбир сўнгида ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Тошкент вилоят кенгаши томонидан интернат болаларига совғалар берилди. Партия сафига янги аъзолар қабул қилинди.

Гулгун РАҲИМОВА,
ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши ходими.

● Ислоҳот мевалари

Бугун атрофга назар ташлар эканмиз, аёлларнинг нечоғлик тадбиркор эканлигини ҳар жабҳада, хусусан, қишлоқ хўжалиги, енгил ва оғир саноат, маориф, тиббиёт, маданият, санъат соҳаларида кўришимиз мумкин.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ФАОЛ АЪЗОЛАРИДИР

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Улар орасида Олий мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси депутатлари, йирик олийгоҳлар, илмий марказлар, нуфузли идоралар раҳбарлари бор. Масалан, Ангор туманида битта қишлоқ фуқаролар йиғини, 3 та маҳалла йиғини, 12 та мактаб директори, 40 дан зиёд фермер хўжаликлари раҳбарлари аёллардир. Бундан ташқари, улар юздан ортиқ кичик корхоналарни ҳам бошқаришмоқда.

Мустақиллик йилларида аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш, фарзанд тарбияси билан боғлиқ масалалар мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, аёллар ўртасида спартакиадалар ўтказиш, аёллар спортининг волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, сузиш, кураш, оғир атлетика турларига эътибор кучайди. Хотин-қизларимиз халқаро миқёсдаги мусобақаларда ҳам муваффақият қозонишмоқда. Туманимизда ҳам кўпгина мусобақалар ўтказилаяпти. Чунончи, кураш бўйича вилоят биринчилигини олган Гулчеҳра Чориева, Юлдуз Нормуродова, Мадина Хушбоқова, миллий кураш бўйича ғолиблар 8-мактаб ўқувчилари Наргиза Норқуватова, Раъно Ҳайдарова, шашка бўйича муваффақият қозонган Шоҳиста Жонқулова сингари қизларимиз билан фахрланамиз.

«Қорасув» фермерлар уюшмасидаги С.Маманова бошлиқ «Алибобо» фермер хўжалиги деҳқонлари ҳар гектар майдондан 62 центнердан ғалла етиштирган. Опанинг ташаббускорлиги, елиб-югуришлари билан чорвачилик ҳам жадал ривожланмоқда. Айни вақтда 160 бош қорамол парвариш қилиниб, етиштирилган сут тумандаги болалар боғчаларига тарқатиляпти.

Гулчеҳра АҲМЕДОВА,
ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Ангор туман кенгаши раиси.

РАСМЛАРДА АКС ЭТГАН ВАТАН

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси молиявий кўмаги асосида Ўзбекистон музейлар кенгаши томонидан республикамиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида "Менинг Ватаним — менинг дунёим" мавзуида тасвирий санъат кўрик-танлови эълон қилинганди. Яқинда пойтахтимиздаги "Гранд орзу" меҳмонхонасида ушбу танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ташкил этилган танловни ўтказишдан мақсад — меҳрга муҳтож болажонларнинг қалбига қулоқ солиш, уларни ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришдан иборат эди. Икки ой мобайнида ўтказилган ушбу танловда жами 15 та меҳрибонлик уйларидан 500 нафарга яқин ўғил-қизлар иштирок этишди. Улар чизган расмларда юртимиздаги бунёдкорлик ишлари — замонавий биноларни мустаҳкам кўприклар, шириндан-шакар полиз маҳсулотлари, миллий анъаналар, она-Ватан, меҳрибон она сиймоси акс этган. Таниқли санъатшунослар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларидан иборат ҳайъат аъзолари уларни саралар экан, иштирокчиларнинг ҳар бир асари ўзига хос эканлигини таъкидлашди. Ижодий ишларнинг ҳеч бири беэътибор қолмади. Улар бир ерга жамланиб, танлов ташкилотчиси бўлган Ассоциация томонидан мультимедия ишлаб чиқилди.

"Менинг Ватаним — менинг дунёим" мавзуидаги расмлар танловида Самарқанд вилояти меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Парвез Жўраев биринчи ўрин соҳиби бўлди. Иккинчи ўрин қашқадарёлик Руслан Ивановга, учинчи ўрин эса Жиззах вилояти меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Озод Орзибоевга насиб этди. Танлов ғолибларига ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Дилбар КАРИМОВА.

TURON BANK

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ТУРОН БАНК ЖАМОАСИ

Серқуёш Ватанимизнинг барча ўқитувчи ва мураббийларини, илм-фан фидойиларини 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий табриклайди. Қалбларингизни шоду ҳуррамлик асло тарк этмасин, азиз устозлар!



ҲУРМАТЛИ ҲАМЮРТЛАР!

Акциядорлик тижорат **ТУРОН БАНК** ўзининг янги **«ISTIQLOL»** чет эл валютасидаги омонатини таклиф этади.

Омонат шартлари:

- *Омонатга қабул қилинадиган валюта тури: АҚШ доллари;*
- *Фоиз даромади — йиллик 14%;*
- *Сақланиш муддати — омонат кирим қилинган кунидан кейинги кундан бошлаб 12 ой;*
- *Энг кам омонат суммаси: 1000 (бир минг) АҚШ доллари;*
- *Фоиз АҚШ долларида омонат муддати тугагандан сўнг берилади;*
- *Омонат муддатидан аввал қайтариб олинса фоиз тўланмайди;*
- *Омонатга қўшимча маблағлар қабул қилинмайди;*
- *Омонатдан муддати тугамагунга қадар қисман пул қайтарилмайди;*
- *Омонатни янги муддатга расмийлаштириш сони чегараланмаган (омонат қабул қилиш расмий тўхтатилгунга қадар).*

ТУРОНБАНК СИЗ БИЛАН, СИЗ УЧУН!

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 144-29-89, 144-25-64, 144-32-52, 150-10-10, 150-10-20.

Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси ва Чиноз туман халқ таълими бўлими жамоалари

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрами билан мамлакатимиз аҳолиси ва халқ таълими соҳасида меҳнат қилаётган барча ходимларни муборакбод этади. Ҳаммага сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, ишларида ривож тилайди.

Ўқитувчилар ва мураббийлар мамлакатимиз халқ таълими тизимида изчил амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» улар фаолиятида дастуриламал вазифасини ўтаяпти.

Байрам муборак, азиз ҳамкасблар!

IPOTEKA BANK

Касб байрамингиз муборак, Азиз устоз ва мураббийлар!

Байрам муносабати билан Сизларга янги

“Мураббий” омонатини

таклиф этамиз

йиллик 24 фоиз

Омонат муддати - 3 ой

www.ipotekabank.uz

хизматлар лицензияланган

Гуллаб-яшнаётган юртимизга олтин куз кириб келди.

1 октябрь куни Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами нишонланади.

Ана шундай файзли кунларда

«ПАХТА БАНК»

сизлар учун қулай ва манфаатли бўлган

«Олтин куз» ва «Мураббий»

муддатли омонатларини таклиф этади.

Омонатларнинг сақлаш муддати — 6 (олти) ой, ҳамда 3 (уч) ой бўлиб, ушбу омонатларга йиллик 24 фоиз миқдорида даромад тўланади.

Бадалнинг энг кам миқдори — 100 минг сўм.

Банк «Олтин куз» омонат тури бўйича ҳисобланган фоизларни ойма-ой, «Мураббий» омонат тури бўйича ҳисобланган фоизларни эса омонатнинг сақлаш муддати тугаганидан сўнг асосий сумма билан бирга тўлаб беради.

Омонатга қўйган маблағингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланганлигини эсдан чиқарманг.

«ПАХТА БАНК»НИНГ ИСТАЛГАН ФИЛИАЛИГА МУРОЖААТ ЭТИБ, ДАРОМАДИНГИЗНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИНГ.

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

«ЎЗПАХТАСАНОАТ» УЮШМАСИ



Мамлакатимизда фидокорона меҳнат қилаётган барча ўқитувчиларни, устоз ва мураббийларни анъанавий касб байрамлари билан чин дилдан муборакбод этади. Уларнинг юртимиз равнақи, ёш авлод камолоти йўлидаги эзгу ишларига омад тилайди.

Юртбошимиз эътироф этганларидек, дунёда касблар кўп. Ҳар бирининг ҳаётда ўз ўрни, аҳамияти бор. Лекин улар орасида шундай бир улуғ касб борки, бошқа барча касблар унинг негизида шаклланади ва тараққий этади. Бу олижаноб касбнинг номи ўқитувчилик, мураббийликдир. Уни шарафларга буркаётган соҳа заҳматкашларининг барчасига бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши борасидаги ишларига улкан зафарлар ёр бўлсин.

Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН

BANK

ХАЛҚ БАНКИ

мижозларга 20 га яқин жозибадор омонат турларини жорий этган ҳолда, пахта йиғим-теримида иштирок этаётган ҳамюртларимизга янги

«ТАДБИР»

жамғарилувчи омонат турини таклиф этади.

Омонат турига пул маблағлари **3 ой** муддатга қўшимча бадал қабул қилиш ва йиллик **24 фоиз** миқдорида даромад тўлаш шарти билан камида **20 000 сўм** миқдорида банкнинг барча муассасаларида қабул қилинади.

Оилангиз банки томонидан яратилаётган имконият ва қулайликлардан фойдаланинг!

Журналнинг янги сонида

СИР-СИНОАТГА ТЎЛА

«Фан ва турмуш» журналининг тўртинчи сони нашрдан чиқди.

Журналнинг дастлабки саҳифаларидан «Чигиртка — нафақат офат», «Довонни қутқариб қолган чигиртка», «Чигиртканинг номаи аъмоли», «Яшил мускул» деб номланган бир неча мақолалар жой олган. «Чигиртка елдек учиб бораётган поездни тақа-тақ тўхтатиб қўйган вақтлар ҳам бўлган. Гап шундаки, темир йўл изида босилган беҳисоб чигирткалар туфайли поезд ғилдираклари жойидан қўзғололмай қолган», — деб ёзади ЎзРФА Археология иститути илмий ходими Геннадий Богомолов «Чигиртка — нафақат офат» номли мақоласида.

Кейинги саҳифалар чапақайлар ҳақида. Унда «Чапақайлар — ўнақайлар», «Фарзандингиз чапақай бўлса», «Чапақайлик тести» каби қизиқарли мақолалар билан танишасиз. «Леонардо да Винчи ўз қундаликларини чап қўлда ёзган. Шунинг учун унинг қўлёзмасини узоқ вақт ўқий олишмаган. Қўлёзма акси кўзгуга туширилгандан кейингина уни ўқиш мумкин бўлди...» Бу ҳақда сиз Санобар Охунжонованинг «Фарзандингиз чапақай бўлса» номли мақоласини ўқиб чиққач билиб оласиз.

Яна сиз журналда фойдасидан зиёни кўпроқ бўлган Америка норкаси ҳақида ўқишингиз мумкин. «Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, сўнгги йилларда норка сони сезиларли ортди, у тоғ дарёлари бўйлаб кенг тарқалган, ҳатто балиғи йўқ сойларда ҳам учрайди. Норка Ғарбий Тиёншаннинг Ўзбекистон қисми табиий ҳайвонот оламининг зарарли турига айланиб қолди», — дейилади Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қўриқхоналар, миллий табиий парклар ва овчилик хўжалиги ходими Борис Дъякиннинг «Америка норкаси — ноёб мўйнали кушанда» номли мақоласида.

«Фан ва турмуш»нинг ҳар сони сир-синоатга тўла бўлган коинот ҳақидаги бир янгилик билан сизни ҳайратга солиб келган. Бу гал журналнинг сўнгги саҳифаларида бундан 280 йил муқаддам Жоната Свифт ўзининг «Гулливернинг саёҳати» номли асарини ёзганда Марс сайёраси ҳақидаги қилган башорати қанчалик тўғри бўлиб чиққанлигини Абдуваҳоб Мадвалиевнинг «Мана буни башорат деса бўлади» деб номланган мақоласини ўқигач билиб оласиз. Журналдаги рус ва ўзбек тилида берилган барча мақолалар сизга манзур бўлади.

Ҳа, айтганча, журналнинг орқа муқовасида берилган суратга ҳам эътибор беришни унутманг. Унда 2006 йилнинг кузги осмони ҳамда юлдузларнинг гўзал жойлашуви акс эттирилган.

Муҳаммаджон РАҲМАТОВ.

Ўқинг, қизиқ

ТУРФА ОЛАМ

Дунё бўйича энг совуқ маскан Сибирдаги Оймакон посёлкаси ҳисобланар экан. 1933 йилда бу ерда ҳавонинг энг паст даражаси 68 градусга тушиб кетган. Бу ҳали ҳолва экан. Яқинда қайд этилган маълумотларга кўра, ҳарорат Цельций бўйича 72 градусга тушиб кетгани қайд этилди.

* * *

Америкаликларнинг севимли «о`кей» ибораси пайдо бўлганига унча узоқ вақт бўлмаган. Уни ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб эшитганмиз. Тарихий манбаларда ёзилишича бу ибора бир хато туфайли пайдо бўлган экан. АҚШ президенти Лин он Жонсон бадхатлиги билан ажралиб турган, кўздан кечирадиган ҳужжатлар четига О.К. ҳарфлари билан белги қўйиб чиқиш одати бўлган экан. Бу «олл коррект», яъни «ҳаммаси тўғри» деган маънони билдиради. Лекин «олл коррект» инглизча ҳарфларга келганда қоида бўйича «all correct» бўлиши, яъни А.С. ҳарфлари биринчи ўринда туриши керак эди. Президентнинг биргина хатосини чаккончлик билан илиб олган матбуот уни тезда оммалаштириб юборди.

* * *

Парижликлар долчин ва қалампирмунчоқ қўшилган ичимликни севишса, инглизлар гармдори ва мандарин пўчоқли ичимликни маъқул кўришар экан. Бразилияликлар эса жажжи чашкаларда жуда ширин қаҳва кетидан совуқ сув ичишни одат қилишган.

* * *

Ривоят қилишларича, ҳаво тўлдирилган бочка билан сув остига тушган Александр Македонский бўлган. Бу ускуна саркарданинг устози Аристотель томонидан ясалган бўлиб, батискаф – чуқур сув остида юрадиган аппаратга асос солган экан.

Беҳзод ҚОДИРОВ тайёрлади.

Табиат сири

ЯШИМ

Яшим — кварцнинг бир тури бўлиб, унинг қизил, сариқ, яшил, кўк ва кулранг турлари мавжуд.

Яшим инсонга қувват бериш хусусиятига эга. Ошқозон, жигар, буйрагида хасталиги бор инсонлар уни олиб юришса, фойда қилади. Шунингдек, бу тош соҳиблари доимий яхши кайфиятга ва дармонга эга одамлардир.

Ўн олтинчи асрга оид рус китобларида бу тош ҳақида шундай ёзилган: «Қизил яшим юракни қувватлайди, мияни хатарли ва ёмон ўйлардан халос этади. Шунингдек, хотирани мустаҳкамлайди, ақлни пешлайди». Бу қанчалик ҳақиқатга яқинлигини яшим ҳақидаги кейинги тадқиқотларда ҳам мазкур эътирофларнинг мавжудлигидан билиш мумкин: «Қизил яшим юрак фаолиятини яхшилайди. Ички органларни касалликлардан асрайди. Қон айланишини яхшилайди».

Қадимги греклар яшимдан ишланган идишларда чой ичиш касалликлардан халос этади, деб ишонишган. Бу тошнинг кўк-яшил туслиси ҳаяжонни босиб, ноқулай вазиятлардан халос этади.

Абу Али ибн Сино қорин оғриганда, дам бўлганда яшимни киндикка боғлаб қўйишни ёки бўйинга осиб юришни маслаҳат берган.

Бу тошни эркаклар олиб юришса, кайфият ва бардамликка эришишади, аёллар эса бепуштлик ва ички касалликлардан халос бўлади.

Яшимни тилла ёки кумуш билан тақиш мақсадга мувофиқ.

ЗУМРАД тайёрлади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига 2006 йилда тасдиқланган бюджет бўйича давлат бюджетидан ажратилган маблағ 192 млн. 305 минг сўмни ташкил қилди. «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосида партиянинг молиялаштирилиши натижасида туман кенгашларда 146 нафар , вилоят кенгашларида 56 нафар, Марказий кенгашда 19 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 1123.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 21.00